

**"ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ" АЖ**  
**ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**МАГИСТРАТУРА ТАЛАБАЛАРИ, СТАЖЕР-ТАДҚИҚОТЧИЛАР,  
ДОКТОРАНТУРА ИЗЛАНУВЧИЛАРИ ВА ЁШ ОЛИМЛАРЛАРНИНГ  
"ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ИШЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ"  
МАВЗУСИДАГИ ИНСТИТУТЛАРАРО XV ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ  
АНЖУМАНИ**

**МАТЕРИАЛЛАРИ**

**2018 йил 28 ноябрь**



**Тошкент – 2019**

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ

Тошкент темир йўллари муҳандислари институти

**МАГИСТРАТУРА ТАЛАБАЛАРИ, СТАЖЕР-ТАДҚИҚОТЧИЛАР,  
ДОКТОРАНТУРА ИЗЛАНУВЧИЛАРИ ВА ЁШ ОЛИМЛАРЛАРНИНГ  
“ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ИШЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ” МАВЗУСИДАГИ  
ИНСТИТУТЛАРАРО XV ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ  
АНЖУМАНИ**

**МАТЕРИАЛЛАРИ**

**2018 йил 28 ноябрь**

Тошкент - 2019

Акционерное общество «Ўзбекистон темир йўллари»

Ташкентский институт инженеров железнодорожного транспорта

**МАТЕРИАЛЫ  
XV-МЕЖВУЗОВСКОЙ НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ  
СТУДЕНТОВ МАГИСТРАТУРЫ, СТАЖЕРОВ-ИССЛЕДОВАТЕЛЕЙ,  
СОИСКАТЕЛЕЙ ДОКТОРАНТУРЫ И МОЛОДЫХ УЧЕНЫХ  
«АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ НАУЧНО-ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ РАБОТЫ»**

28 ноября 2018 года

## **Педагогик–психологик билимларни бериш жараёнида талабаларнинг иродавий сифатларини ва инновацион фаолиятини ташкил этиш**

*Магистратура талабаси: Ҳ.К. Зухриддинов, МТТ-30 гуруҳи (ТТЙМИ)  
Илмий раҳбар: А.А. Халиков, т.ф.д., профессор (ТТЙМИ)*

Олий таълимда амалга оширилаётган педагогик, психологик билимлар асосини талабаларга назарий билим бериш ҳамда уларни амалиётда қўллаш жараёнида эгалланган педагогик, психологик билимларни қўллай олиш кўникма ва малакаларини шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолият ташкил этади. Айни вақтда ушбу педагогик фаолият мазмуни таълим муассасаларида йўлга қўйилётган педагогик, психологик билимларни беришнинг асосий мақсадини ҳам ифодалашга хизмат қилади.

Педагогик, психологик билимлар бериш самарадорлигини ошириш қуйидагилар ёрдамида таъминланади:

- психологик ва педагогика фанлари ўқитувчиларининг мазкур фанлар ҳамда педагогик билимлар асосларини пухта ўзлаштириши;
- эгаллаган билимларни амалиётда қўллай олиш малакасига эга бўлиши;
- ўз устида ишлаш ва ижодий фаолиятни ташкил этиш кўникмасига эгаллиги;
- талабаларда фанга нисбатан қизиқишни шакллантира олиши;
- ташаббускорлик ва ташкилотчилик лаёқатларига эга бўлиши;
- жамиятда рўй бераётган демократик ўзгариш ва таълим ислохотларининг моҳиятини чуқур англашлари;
- замонавий педагогик технологиялар ва улардан ўқув машғулотлари жараёнида самарали фойдалана олишнинг моҳиятини чуқур англаши;
- таълим муассасаларининг етарли даражада ўқув моддий-техник базасига эгаллиги;
- таълим муассасаларида педагогик, психологик билимлар бериш самарадорлигини таъминлашга хизмат қиладиган мониторингнинг ташкил этилишлиги кабилар билим бериш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Педагогик, психологик билимлар бериш самарадорлигини оширишнинг муҳим омили сифатида бу мазкур жараёнда илғор методлар, хусусан, замонавий педагогик технологиялар билан мазкур фан ўқитувчиларининг қуролланганликлари ва улардан ўқув машғулотларини ташкил этишда етарли даражада фойдаланила олишлари керак.

Талабалар педагогик–психологик билимларни ўрганиш жараёнида ўз олдига қўйилган мақсадни амалга оширишга қаршилик қилаётган тўсиқларни енгади, воқеликни ўз мақсадига мувофиқ равишда ўзгартиради ва уни ўз эҳтиёжларига мослайди[1].

Таълим жараёнида ўқувчиларда иродавий сифатларни таркиб топишига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ўқув топшириқларининг анъанавий тарзда берилиши;
- берилган топшириқларни бажарилишини ўз вақтида назорат қилмаслик;
- талабалардан мустақилликни, қатъиятчиликни, собитқадамчиликни, дадилликни талаб этмаслик;
- уларда ташаббускорлик, масъулиятчилик, тиришқоклик сифатлари бор ёки йўқлигига эътибор бермаслик;
- ўқув жараёнида талабалар ижодий ёндашувига етарли даражада эътиборнинг қаратилмаслиги;
- талаба шахсига босим ўтказиш.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти унинг қобилияти ва мотивациясига боғлиқ жараёндир. Педагогика соҳасида инновация ва таълим жараёнини янгилаш ғояларининг пайдо бўлиши натижасида янги илмий йўналиш – ўқитувчининг инновацион фаолияти тушунчаси пайдо бўлди.

Инновацион фаолият – педагогик жамоани ҳаракатга келтирувчи, олға бошловчи, тараккий эттирувчи кучдир. Янги ижтимоий талаблар билан анъанавий меъёрларнинг мос келмаслиги ёхуд амалиётнинг янги шаклланаётган меъёрининг мавжуд меъёр билан тўқнашуви натижасида вужудга келган мажмуали муаммоларини ечишига қаратилган фаолиятдир[2].

Демак, янги инновацион технология назарияси ғояларидан фойдаланиш асосида ташкил этилган таълим жараёни баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялашда самарадорликни оширади.

### *Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:*

1. Ғозиев Э. Педагогик психология асослари. – Т.: Университет, 1997. – 148 б.
2. Аҳмадалиев А.М. Қосимов А.Х. Инновацион фаолият ва илғор педагогик технологиялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан, 2006. – 220 б.

## **Ўқув жараёнидаги таълимнинг мазмунини модернизациялаш омиллари**

*Магистратура талабаси: А.Ў. Абдухолиқов, МАВ-35 гуруҳи (ТТЙМИ)  
Илмий раҳбар: Р.М. Алиев, т.ф.н., доцент (ТТЙМИ)*

Мустақиллика эришганимиздан сўнг узлуксиз таълимнинг пойдевори ҳисобланган бошланғич таълим ривожига ҳам улкан эътибор қаратилди. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов конституциямиз қабул

қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида қуйидаги фикрларни таъкидлаб ўтган: “Болалик жисмоний ва психологик ривожланишидаги энг асосий давр – бу бошланғич синф давридир. Ҳаммамиз биламизки, собик тузум шароитида бу масалага, афсуски, етарлича аҳамият берилмас эди. Қуйи синифларда дарс бериш асосан ўрта махсус маълумотга эга бўлган муаллимларга топшириб қўйилган эди” [1].

Бошланғич таълимнинг ёш авлод ҳаётидаги роли ва аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, бундай номақбул ҳолатга бутунлай барҳам берилди ва бу вазифани бугунги кунда олий маълумотли, юксак профессионал маҳоратга эга бўлган педагог кадрлар бажариб келмоқда.

Шу ўринда тилимизга кириб келганига ҳали кўп бўлмаган бўлсада, бугунги кунимизда жамият ҳаётининг ҳар бир жабҳасида ўзгача маъно ва аҳамият касб этаётган ушбу атама, яъни *модернизация* ҳақида таъриф бериб ўтсак.

Модернизация, модернизациялаш (французча модерн – энг янги, замонавий) – бирор нарсани янгилаш, унга замонавий тус бериш, уни замонавий талабларга мувофиқ ўзгартириш. Модернизацияда машина, аппарат, турли технологик қурилмалар, муҳим кашфиётлар техника тараккиёти талабларига мувофиқ қайта ишланади [2].

Барча ривожланган мамлакатларда таълим ислохотларининг мазмунини модернизациялашдан бошланган. Бунинг учун биринчи навбатда, давлат ва жамиятнинг кизиқишлари билан педагогик тизим субъектлари кизиқишлари орасидаги мутаносибликни таъминлаш мазмуни фақатгина педагоглар орасида муҳокама қилинмайди.

Таълим мазмунини модернизациялашнинг мақсади ўқув жараёнини барқарор ривожлантириш механизмларини вужудга келтириш, унинг ХХI аср талабларига жавоб беришини таъминлаш, мамлакатни интеллектуал, ижтимоий, иқтисодий ривожлантиришга йўналтириш, шахс, давлат ва жамият талабларига мос келишини таъминлашдан иборат.

Бунинг учун биринчи навбатда қуйидаги вазифаларни ечиш назарда тутилади:

1. Таълим мазмунининг мақсадга мувофиқлиги ва талабаларнинг ўзлаштирилиши учун қулайлигини таъминлаш;
2. Таълим мазмуни ўқув жараёнининг очик бўлишига имконият яратишга эришиш;
3. Таълим мазмуни ўқув жараёни субъектларининг имкониятларини кенгайтиришга асос бўлиши кабилар.

Таълим мазмунини ижтимоий – педагогик жиҳатдан талаба шахсига йўналтириш лозим. Таълим мазмунини модернизациялашда фан, техника, маданият, ишлаб чиқариш, иқтисодиётда эришилган ютуқларни аниқ акс эттириш керак. Таълим мазмунини модернизациялаш натижасида ўқув жараёнининг янги моделлари вужудга келади.

Инновацион таълим технологияларини яратишда мода кетидан қувиш эмас, балки, давр талаби эканини ёдда тутиш лозим.

Маълумки, модернизациялаш амалдаги таълим тизимини янгилаш ва такомиллаштиришни англатади. Бу жараён амалда республикамизда истиқомат қилаётган ҳар битта оилага даҳлдор. Таълим соҳасида амалга оширилаётган турли ислохотлар, уларнинг мақсад ва йўналишлари, методлари аҳолига тушунтириб борилиши, жамоатчилик фикри эса таълим соҳаси ва муассасалари раҳбарияти томонидан эътиборга олинishi керак.

Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, модернизация кимнингдир хоҳиши ёки кўрсатмаси асосида рўй берадиган жараён эмас. Жамиятда демократиянинг шаклланиши унинг ўзига хос хусусиятлари билан уйғун тарзда амалга ошириши керак.

#### *Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:*

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI асрга интилмоқда. Т.: Ўзбекистон, 2000 - 160 б.
2. Мавлянова Р.А., Раҳмонқулова Р. Бошланғич таълимда педагогика инновация интеграция. Т.: Ф.Ғулум. – Т.: 2013. – 185 б.

#### **Анъанавий ва инновацион таълим тизимининг қиёсий хусусиятлари**

*Магистратура талабаси: Д.Ю. Нуржасов, МТҒЛ-20 гуруҳ  
Илмий раҳбар: К.А. Жўрабоев, т.ф.н., доцент*

Мустақил Ўзбекистонимизда таълим жараёнини самарадорлигини ошириш, ўқувчилардаги билим ва тушунчаларни шакллантириш, ижодий қобилбўлгилари ва шахсий фазилатларини ривожлантиришда, уларни билим ва кўникмаларини амалиётга тадбиқ эта олиш малакаларини такомиллаштиришда инновацион таълимнинг имкониятлари ва муваффақиятларини ўрганиб чиқиш, анъанавий таълимнинг ютуқларидан фойдаланган ҳолда таълим жараёнини мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқдир.

“Анъанавий таълим” тушунчаси остида буюк чех педагоги Ян Амос Коменский томонидан шакллантирилган, ХVII асрда дидактик принциплар остида мустаҳкамланган, ҳозирги кунга қадар дунё мамлакатларида кенг тарқалган синф-дарс шаклини ташкил этиш тушунилади.

Анъанавий синф-дарс тизими технологиясининг қиёсий белгилари:

<b>ПЛЕНАРНОЕ ЗАСЕДАНИЕ</b> .....	6
<i>Abdullayev A.R.</i> Bakalavriyat ta'lim yo'nalishlarining o'quv rejalarini takomillashtirish bo'yicha tavsiyalar (5340600 – Transport inshootlarining ekspluatatsiyasi (ko'priklar va tonnellar) ta'lim yo'nalishi misolida).....	6
<b>СЕКЦИЯ 1. Инновации в высшем образовании</b> .....	8
<i>Рахимжонов З.К.</i> Мутахассислик фанларни ўқитишда инновацион технологияларнинг қўлланилиши.....	8
<i>Хакимов С.Х.</i> Олий таълим ўқитувчисининг инновацион фаолияти.....	9
<i>Аскарова Д.С.</i> Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари.....	11
<i>O'ralov A.Sh.</i> O'zbekistonda innovatsiya va yoshlar.....	13
<i>Asanova G.O'</i> . Fan-ta'lim taraqqiyotida innovatsion yondashuv va zamonaviy tendensiyalar.....	14
<i>Худойбердиев А.Ф.</i> Олий таълим тизиминимодернизациялашва янада ривожлантириш.....	16
<i>Хуррамов А.Ш.</i> Таълим сифатини оширишда инновацион жараёнлар.....	17
<i>Сайфиев Ф.П.</i> Электрон ўқув методик мажмуанинг мазмунини белгиловчи компонентлари.....	17
<i>Хидиров Ж.Э.</i> Электроника фанини ўқитишда педогогик технологияларнинг ўрни ва ахамияти.....	19
<i>Ризоев З.Б.</i> Инновацион фаолиятни такомиллаштиришда таълим жараёнига инновацион технологияларни кенг тadbик этиш.....	20
<i>Рахматуллаев М.Т.</i> Педагогический подход к изучению схемы сопряжения микроэлектронных систем с релейными устройствами электрической централизации.....	21
<i>Светашева А.Н.</i> Роль куратора в учебном процессе.....	22
<i>Мусаев Н.У.</i> Применение IT-технологий в процессе обучения будущих специалистов-электромехаников.....	23
<i>Рахматов О.Д.</i> Сиртки бўлим талабаларининг таълим жараёнида Moodle виртуал мухити имкониятларидан фойдаланиш.....	24
<i>Абдуқодиров С.А.</i> Олий таълим тизимида мутахассислик фанларни чет тилида ўқитиш гуруҳини ташкил этишдаги таҳлил натижалари.....	25
<i>Сулайманов С.С.</i> Инновационная модель практических занятий по дисциплине «Безопасность жизнедеятельности».....	26
<i>Базорбаев У.С.</i> Педагогик маҳорат маданияти.....	28
<i>Зухриддинов Х.Қ.</i> Педагогик–психологик билимларни бериш жараёнида талабаларнинг иродавий сифатларини ва инновацион фаолиятини ташкил этиш.....	29
<i>Абдухолиқов А.Ў.</i> Ўқув жараёнидаги таълимнинг мазмунини модернизациялаш омиллари.....	29
<i>Нуржасов Д.Ю.</i> Анъанавий ва инновацион таълим тизимининг қиёсий хусусиятлари.....	30
<i>Рахимов Н.С.</i> Мутахассислик фанларини ўқитишда илғор педагогик технология ва методлардан фойдаланиш. Ақлий ҳужум методи.....	32
<i>Икратова Д.З.</i> Talabalarning nazariy bilimlarini mustahkamlashda innovatsion texnologiyani qo'llashning ahamiyati.....	33
<i>Мирзалиев У.И.</i> Проведение лекционных занятий по дисциплине «Конструкция механической части электрического транспорта и основы динамики» с применением информационных технологий.....	34
<i>Убайдуллаев А.М.</i> Малака оршириш тизимида масофавий таълимнинг педагогик ва психологик омиллари.....	35
<i>Рахмонов Д.Х.</i> Юқори тезликдаги темир йўл тизими учун мутахассис-кадрларнинг масофавий малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш масалалари.....	37
<i>Шарипов Г.Қ.</i> Moodle LMS курсларида масофавий курслари яратиш масалалари.....	38
<i>Жумабоев Ф.Х.</i> Фанлардан ўқув мақсадли электрон воситаларни яратиш тамойиллари ва уларнинг турлари.....	40
<b>СЕКЦИЯ 2. Интеллектуальные системы обучения в высшей школе</b> .....	43
<i>Абдухатова М.А.</i> Значение инженерной педагогики в подготовке будущих инженеров-педагогов.....	43
<i>Журакулов Д.Б.</i> Мустақил таълимни ташкил этиш ва ўзлаштириш мониторинги технологияси.....	44
<i>Эркинжонов Д.Р.</i> Техника фанларини ўқитишда ахборот технологиялардан фойдаланиш.....	45
<i>Гулимбетов Ж.Б.</i> Фан ўқув-услугий мажмуасининг ўқув режалари ўзгаришларига тезкор мослашишини таъминлаш чоралари тўғрисида.....	47
<i>Кадамов И.Б.</i> Современные педагогические технологии в образовательном процессе высшей школы.....	48
	89

**МАГИСТРАТУРА ТАЛАБАЛАРИ, СТАЖЕР-ТАДҚИҚОТЧИЛАР,  
ДОКТОРАНТУРА ИЗЛАНУВЧИЛАРИ ВА ЁШ ОЛИМЛАРНИНГ  
“ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ИШЛАРИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ”  
МАВЗУСИДАГИ ИНСТИТУТЛАРАРО XV ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ  
АНЖУМАНИ**

**МАТЕРИАЛЛАРИ**

**2018 йил 28 ноябрь**

Илмий муҳаррир: А.А. Халиков, т.ф.д., профессор  
Ш.М. Суюнбаев, т.ф.н., доцент в.б.  
Техник муҳаррир: М.Х. Ташбаева  
Саҳифаловчи: Б.А. Саъдуллаев ТҒ - 307 гуруҳ талабаси

Чоп этишга имзоланди 05.03.2019 й.  
Ҳажми 11,5 б.т. Буюртма № 10-2/2018  
Қоғоз бичими 60×84/8. Адади 100 нусха  
ТошТЙМИ босмаҳонаси, Тошкент ш., Одилхўжаев кўчаси, 1, 2019 й.